



ТАРИХИЙ МУШТАРАКЛИККА ЭГА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Нью-Дехли, 30 сентябрь. ЎЗА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинднинг таклифига биноан 30 сентябрь куни давлат таширифи билан ушбу мамлакатга келди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ҳиндистоннинг қадимги пойтахти Агра шаҳрига ташириф буюрди. Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан жаҳонга машҳур Тож Маҳал меъморий обидасини зиёрат қилди.

Дунёнинг етти мўъжизасидан бири деб эътироф этиладиган мазкур ёдгорлик буюк шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг авлоди Шоҳ Жаҳон томонидан турмуш ўртоғи Мумтоз Маҳал хотирасига бағишлаб 1632-1653 йилларда бунёд этилган.

Шоҳ Жаҳоннинг ҳукмронлик йиллари Ҳиндистонда бобурийлар салтанатининг энг гуллаган, олтин даври ҳисобланади. Маълумки, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистонда савдо, илм-фан ривож, бунёдкорлик, маъмуриликка катта эътибор қаратган. Аградан ташқари бошқа шаҳарларда ҳам қўллаб-иншоотлар, масжидлар, мақбаралар қурдирган. Ушбу обидалар ичида Тож Маҳал ўзининг тарихи, гўзаллиги, маҳобати, жаҳон меъморий санъатининг бетакор анъаналарини мужассам этгани билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис, бу ерда маҳаллий зиёратчи ва хорижий туристларнинг қадами узилмайд.

Президентимизнинг Ҳиндистонга давлат таширифини ушбу мажмуа зиёратидан бошлашда чуқур маъно бор. Зеро, Тож Маҳал — ўзбек ва ҳинд халқлари учун бирдек қадрли обида, мамлакатларимиз тарихи муштараклиги ифодасидир.

Мақбара зиёрати чоғида Қуръон тиловат қилинди.

Президентимиз Ҳиндистонлик расмий шахслар билан мулоқотда Ўзбекистонда ҳам қадимий обидалар, муқаддас зиёратгоҳлар кўпчилиги, икки мамлакат ўртасида сайёҳлар борли-келдисини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентимиз Ҳиндистон пойтахти Нью-Дехли шаҳрига ташириф буюрди.

Давлатимиз раҳбари ҳинд халқи анъаналарига хос тарзда кутиб олинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон делегацияси учун ажратилган қароргоҳда Ҳиндистоннинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашди. Унда Ҳиндистон ташқи ишлар давлат

вазир Мобашар Жавад Акбар, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Винод Кумар, Ҳиндистон саноатчилари Конфедерацияси бош директори Чандражит Баннержи, шунингдек, «Apollo Hospitals Enterprise Ltd», «ONGC Videsh Ltd», «Sun Group», «Indorama Corporation», «Hero Enterprise Ltd», «Cadila Pharmaceuticals Ltd», «Lakshmi Machine Works Ltd» каби нуфузли компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Мулоқотда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар хорижий инвесторларнинг мамлакатимизда ўз бизнесини йўлга қўйиши учун кенг имконият яратаяётгани таъкидланди.

Ҳиндистонлик бизнесменлар юртимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳити янада яхшилаётгани мамлакатимизнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликини кенгайтириш, юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга катта қизиқиши уйғотаётганини таъкидлади.

Ташириф арафасида Нью-Дехлида ўтказилган бизнес-форум икки мамлакат ишбилармон доираларининг ҳамкорлиги учун самарали майдон бўлди. Ушбу форумда савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантириш, жумладан, Ўзбекистон — Ҳиндистон ишбилармонлар кенгаши таъсис этиш масалалари муҳокама этилди.

Таширифнинг асосий воқеалари 1 октябрь куни бўлиб ўтади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Президенти Рам Натх Ковинд, Бош вазир Нарендра Моди ва ушбу мамлакатнинг бошқа раҳбарлари билан қатор учрашув ва музокаралар ўтказди.

Ташириф якунида Ўзбекистон Президенти ва Ҳиндистон Бош вазирининг қўшма баёноти қўл қилиниши, Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш учун ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро салмоқли ҳужжатлар, мамлакатларимиз ҳудудлари ва муассасалари ўртасида битимлар имзоланиши кўзда тутилган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим тизимини яхлит узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўлини сифатида янада такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик ва жисмоний ривожлантирувчи замонавий таълим дастурлари ва технологияларини таълим-тарбия жараёнига жорий этиш, уларнинг мактабга тайёргарлик даражасини тубдан ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик деб аталади) негизда қуйидагиларни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) **Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион марказини** (кейинги ўринларда — Марказ) давлат муассасаси шаклида ташкил этиш ҳамда унга қуйидаги вазифаларни юклаш:

таълим-тарбия жараёнига илғор педагогика ва ахборот технологияларини жорий этиш, Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимининг жорий этилишини таъминлаш; таълим-тарбия жараёнида, мактабгача тарбия тизимининг педагог ва раҳбар ходимлари тарқибини ўқитиш жараёнида фойдаланиш ҳамда турли телекоммуникация каналлари орқали тарқатиш учун медиа-контент тайёрлаш ва ишлаб чиқариш;

мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик, дидактик материалларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш;

мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш;

мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

мактабгача таълим тизимига жорий этилаётган таълим усуллари ва дастурларини таҳлил қилиш ва самарадорлигини баҳолаш;

б) **Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институтини** (кейинги ўринларда — Институт) давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиш ҳамда Институтни мактабгача таълим тизими буюртмачилари билан тузилган шартномаларга мувофиқ инвестиция лойиҳалари бўйича, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича лойиҳаларди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда бош лойиҳа ташкилоти сифатида белгилаш;

в) **Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компаниясини** (кейинги ўринларда — Инжиниринг компанияси) давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этиш ҳамда Инжиниринг компаниясига мактабгача таълим тизими объектиларини қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича буюртмачи функцияларини юклаш ҳамда компания хизматлари билан боғлиқ харажатларни давлат мактабгача таълим муассасаларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш қийматида киритиш;

г) **Юридик шахс ташкил қилмасдан Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасини** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш.

Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Республика бюджет маблағлари, шу жумладан, 2018-2019 йилларга мўлжалланган, ҳар чоракда ажратилиб, ҳар йили бюджет қондаларига мувофиқ индексацияланганда жами 100 миллиард сўм миқдорида;

давлат мактабгача таълим муассасаларининг фойдаланилмаётган қўчмас мулкни сотишдан тушган маблағлар — 100 фоиз миқдорида;

Вазирлик тузилмасига кирган ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини текшириш натижалари бўйича Вазирлик ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалари даромадида ундирилган бюджет маблағларининг ноқонуний харажатлари, ўғирлик, камомад суммаларининг 50 фоизи;

Жамғармининг вақтинча бўш турган маблағларини қайлаштиришдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хайрия маблағлари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзи), грантлари ва техник қўмаклашиш маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилаб қўйилсинки:

а) **Жамғарма маблағлари:**

мактабгача таълим муассасаларини белгиланган тартибда мақсадли қурилишлар рўйхатига киритиб, уларнинг тармоғини кенгайтиришга; мактабгача таълим тизими ходимларини моддий рағбатлантиришга;

юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, хорижий мутахассис-

ларни, шунингдек, хорижда фаолият юритаётган ватандошларимизни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида Вазирликка ишлаш учун жалб қилишга;

Вазирликка юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, илмий ва олий таълим муассасалари, етакчи халқаро ва хорижий ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчилар сифатида жалб қилишга;

Вазирлик ходимларини, жумладан, хорижда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилишга;

Вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари ва давлат мактабгача таълим муассасалари биноларини жиҳозлаш ва таъмирлашга;

таълим-тарбия жараёнига илғор педагогика ва ахборот технологияларини жорий этиш, шунингдек, Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган бошқа тадбирларга сарфланади;

б) Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишган ҳолда Жамғарма томонидан хорижий давлатлар ва ҳукуматлардан, халқаро ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларидан, чет эллик фуқаролардан бегараз ёрдам олиниши ҳақида қарорлар қабул қилади.

➤ Давоми 2-бетда.

МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ, УЛАРГА ҲУРМАТ-ИЗЗАТ КЎРСАТИЛДИ



Бу нуронийларнинг ҳар бири фахрийларнинг фахрийси, десак ҳақиқатни айтган бўламиз. Улар узоқ йиллик ҳалол меҳнати билан аллақачон эл-юртда катта ҳурмат-эътибор қозонишган. **4**

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ



Мавжуда ҲАСАНОВА,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё
вилоят кенгаши раиси:

— Истиқлол йилларидан буён Ўзбекистон дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари билан ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликини изчил ривожлантириб келмоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги биз учун устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишнинг фойдали муҳим институтидир. Ҳамдўстлик иштироки-мамлакатлари эса бизнинг доимий шерикларимиз, қўшнилариимиз ва дўстларимиздир.

Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида сўзга чиққан мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев жаҳонда

жадал ўзгаришлар рўй бераётган, хатар ва таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги зарурлигини, кўп қиррали ҳамкорликини мустаҳкамлаш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Саммитда Шавкат Мирзиёев кўп томонлама ҳамкорликини кенгайтиришнинг долзарб ва истиқболли йўналишларига тўхталиб ўтди. Ўтган йил Ўзбекистоннинг МДҲдаги фаолиятида янги босқич бўлди. Мамлакатимиз Ҳамдўстликнинг иқтисодий, энергетика, фан ва инновациялар, жиноятчиликка қарши курашиш каби соҳаларни қамраб олган 10дан ортиқ тармоқ органларига қўшилди. Жорий йил бошидан Ўзбекистоннинг МДҲ давлатла-

ри билан товар айирбошлаш ҳажми жадал ўсмокда. Мамлакатимиз ташаббуслари МДҲ минтақасида савдо, иқтисодиёт, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон МДҲ ташкил этилганидан бери иқтисодий интеграция тамойилига қанъий таяниб, давлатлараро муносабатларни янги асосларда ривожлантириш тарафдори бўлиб келган.

Давлатимиз раҳбарининг Ҳамдўстлик фаолияти истиқболлари ҳақидаги қарашларининг моҳияти шундаки, МДҲ кўп қиррали ҳамкорлики ривожлантиришнинг энг мақбул шакли бўлиб, мазкур тузилма барча иштирокчи давлатларнинг манфаатларига хизмат қилади.

